

Заҳарланган гўшт



11:14 / 21.07.2024 3236

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир яҳудий аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга заҳарланган қўй(гўшти)ни келтирди. У зот ундан едилар. Кейин уни (аёлни) Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб келишди. У зот ундан бу ҳақда сўрадилар. «Сени ўлдирмоқчи бўлдим», деди у. **«Аллоҳ сени ўша ишга ёки менга эга қилмайди»**, дедилар. Одамлар: «Уни қатл қилайликми?» дейишди. «Йўқ», дедилар. Мен ўшани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жағлари остидаги осилган гўштлардан билиб юрдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.